

5-10-2019

## TASKS OF ETHICAL CULTURE IN THE ETHICS OF ARISTOTLE

Muhiddinzhon Marufovich Teshaboev

*Candidate of Philosophy (PhD) Fergana branch of the Tashkent University of Information Technologies*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Teshaboev, Muhiddinzhon Marufovich (2019) "TASKS OF ETHICAL CULTURE IN THE ETHICS OF ARISTOTLE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 5 , Article 33.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/33>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## TASKS OF ETHICAL CULTURE IN THE ETHICS OF ARISTOTLE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

## АРАСТУ ЭТИКАСИДА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Тешабоев Муҳиддинжон Маъруфович,  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)  
Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали  
(+998-90-325-50-43, [muhiddinjon\\_82@umail.uz](mailto:muhiddinjon_82@umail.uz))

*Аннотация.* Мақолада, ҳар бир инсонни ўзидай инсонлар билан ижобий муносабатда бўлиши, инсонларнинг ахлоқий маданияти жамият фаровонлиги учун жуда муҳим деган гояларни илгари суради.

*Калит сўзлар:* этикавий метафизика, виждон, гўзаллик, фазилат.

## ЗАДАЧИ ЭТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В ЭТИКЕ АРИСТОТЕЛЯ

Тешабоев Муҳиддинжон Маруфович,  
Кандидат философских наук (PhD)  
Ферганский филиал Ташкентского университета информационных технологий

*Аннотации.* В статье подчеркивается идея о том, что каждый человек имеет позитивное отношение к людям, и что этическая культура людей жизненно важна для благополучия общества.

*Ключевые слова:* этическая метафизика, совесть, красота, добродетель.

## TASKS OF ETHICAL CULTURE IN THE ETHICS OF ARISTOTLE

Teshaboev Muhiddinzhon Marufovich,  
Candidate of Philosophy (PhD)  
Fergana branch of the Tashkent University of Information Technologies

*Abstract.* The article emphasizes the idea that everyone has a positive attitude towards people and that people's ethical culture is vital to the well-being of society.

*Keywords:* ethical metaphysics, conscience, beauty, virtue.

Новосибирск архитектура – қурилиш университети профессори, фалсафа фанлари доктори Ольга Сергеевна Сеина “Арасту этикасида ижтимоий масалалар” мақоласида ёзади: “Арасту (Аристотель, мил. ав.384-322) этикаси эвдемонистик руҳидадир, чунки унинг ғоясига кўра, ахлоқий баркамолликдан мақсад бахт-саодатга етишишдир. Арасту фикрича, бахт-саодат олий неъмат бўлиб, унга эришган инсонлар кўпгина фазилатларни кўлга киритадилар ва мазмунан тўлақонли яшайдилар. Фазилатлар эса диано – этикавий (ақлий фазилат) ва этикавий (инсон ҳуқуқига мансуб) қисмларга бўлинади.”

Арасту фазилатлар назариясида инсон ҳуқуқининг барқарорлигини кўп соҳада ўртача йўл тутиш олтин меъёрга амал қилиш билан боғлайди. Баъзи фазилатларнинг зидди нуқсон, камчилик ҳисобланади. Масалан, қизғончиқлик ҳам, исрофгарчилик ҳам нуқсон. Иккаласининг ўртасида саҳийлик фазилатдир. Сурбетлик ҳам бунинг зидди-тортинчоқлик ҳам нуқсон. Иккаласининг ўртасида камтаринлик фазилатдир.

Инсонга ўртача йўлни, олтин меъёрни топишга ақл-идрок, оқиллик фазилати ёрдам беради. Устозлари Сукрот ва Афлотун каби Арасту ҳам инсон фаолиятида назарий фазилатларни устун қўяди. Унинг фикрича, фалсафий фикрлаш ва фалсафий фаолият - энг олий фазилат бўлиб, у одамларга бахт-саодат йўлларини кўрсатади. Бу фазилат инсон табиатига илоҳий таъсир натижасидир. Ҳар бир инсон мана шу илоҳий неъматдан фойдаланишга интилиши керак. Фалсафанинг худди шу этика (ахлоқшунослик) қисми инсонларни фазилатли бўлишга ва бахтли яшашга ўргатади.

Сезгирлик мутафаккирнинг фалсафий системасида О.С.Соина-“Этика - метафизика ва сиёсатшунослик ўртасидаги ўринни эгаллайди. Унинг фикрича, инсон ижтимоий ҳилқат, жонивордир.Инсон фақат жамият ҳаётида инсонлигини кўрсатаолади. Арасту илгари сурган ўрта йўл, олтин меъёрга амал қилинса жамият ва инсон муносабатларида гармония, уйғунлик вужудга келади .“[1]

Арасту ахлоқшунослигида ёрқин ифодаланган ижтимоийлик (социаллик) муҳим ўрин эгаллайди. Инсон ахлоқининг этикавий - психологик асосларини тушунишда Сукрот ва Афлотун билан фикрдош бўлган Арасту шахс ва жамият (индивид ва социум) муносабатларини талқин қилишда бошқача йўлдан борди. У хусусан ҳар бир инсонни ўзидай инсонлар билан ижобий муносабатда бўлиши, инсонларнинг ахлоқий маданияти жамият фаровонлиги учун жуда муҳим деган ғояни илгари сурди. Арасту фикрича , жамият тараққиёти фуқароларнинг ахлоқий маданиятига, уларнинг ҳулқи, жамият қонунлари, меъёрларига жавоб беришига боғлиқ. У ахлоқий маданият меъёрлари билан жамият манфаатлари бир-бирига боғлиқ, алоқадордир. Арасту фикрича, индивидуал-шахсий фазилатларнинг(сабот-матонат, вазминлик (ҳар тарафлама ўйлаб иш қилиш) оқиллик ва бошқалар.) бўлмаса, полис (шаҳар- давлат) нормал, соғлом ижтимоий организм сифатида мавжуд бўлмайди. Шу сабабли файласуф маънавий қадриятлар ва шуларга мувофиқ ахлоқий фазилатлар ҳақида элементар, оддий тасаввурга эга бўлмаган одам жамият учун, социал жиҳатдан яроқсиз одамдир. Шахсининг ахлоқий маданияти ва ижтимоий яроқлиги (жамият учун фойдали социумлиги) мувофиқ келиши ва ҳар икки томон бир-бирига суяниб ривожланиши, камол топиши учун жамият ва шахс муносабатларида маълум меъёрларига риоя қилиш зарур. Арасту “Этика” асарида шу туркумдаги уч асари - “Евдем этикаси”, “Никомах этикаси”, “Катта этика”[2]да ) биринчи марта олтин меъёр - ўртача яшаш масаласини ўртага қўяди. Арасту фикрича, инсон ҳулқи, ахлоқидаги маълум фазилат ҳам меъёрида бўлиши зарур, агар камлик қилса ё ҳаддан ошиб кетса, иллатга айланади.

Арасту учун ахлоқий меъёр этикага ҳам, эстетикага ҳам таалуқли. Чунки, инсон зарурий эҳтиёжлари учун эмас, барчага мақтаниш учун бойлигини кўпайтирса, бу ахлоқий нуқсон бўлиш билан бирга динсизликни ҳам билдиради. Бундай одам зеб-зийнатларни гўзалликни севгани учун эмас, мақтаниш, одамларни хайрон қолдириш учун кўпайтирилади.”[3]

3)Арасту ёзади: “Камчилик ва ортиқчалик зарарли эканини ҳиссий (моддий) идрок этилувчи нарса-ҳодисалар мисолида тушуниш мумкин.(умумий, мавхум нарса-ҳодисалар орқали тушунтирилади). Чиндан ҳам юқорида айтганимиз гимнастика (бадантарбия) машқларни олайлик:бу машқлар керагидан ортиқча бўлса, одамни чарчатади.Керагидан оз бўлса ҳам қувват камаяди. Оқиллик, мардлик ва бошқа фазилатлар ҳам шундай. Агар одам ҳаддан ташқари ботир , кўрқмас бўлиб кетса, худодан ҳам кўрқмайдиган бўлса , бундай одамни ботир эмас, балки тентак дейилади. Ҳамма нарсадан кўрқадиган одам эса кўрқоқдир.Демак, мард одам - ҳамма нарсадан кўрқадиган одам ҳам эмас, ҳеч кимдан кўрқмайдиган одам ҳам эмас экан. Меъеридан ошиқ кўрқиш, ҳамма нарсадан кўрқиш-ҳалокатли, ҳеч нарсадан кўрқмаслик ҳам ҳалокатлидир.[4]

Арасту фикрича: Шодланиш ва хафа бўлишда ҳам, лаззатланиш ва қайғуришда ҳам меъёрни сақлаш зарур. Одатда лаззатпарастлик одамларни ножўя (ахлоқсиз) ишларга етаклайди. Қайғу эса одамни яхши ишлардан қайтариши мумкин.[5] Масалан,Соҳибқирон Амир Темур катта ўғли Жаҳонгир, кейинроқ учунчи ўғли Умар Шайх ёшлик чоғларида ҳалок бўлгани учун қаттиқ қайғуриб, анча вақтгача давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўяди. Шунда устози Сайид Барока ,Сафдошлари Соҳибқиронга панд-насихат қилиб, барча инсонлар бир куни ўлишини, унгача савоб, хайрли ишларни давом эттириш зарурлигини айтадилар.

Россия олимаси О.С.Соина Арастунинг олтин меъёр, ўртача йўл ҳақидаги ғоясини ривожлантиришга уриниб, ўта соф виждонли, бировларинг ёмонлигини ҳам кечираверадиган, Ф.Достоевскийнинг“Телба” романи бош қаҳрамони князь Мишкин каби соддадил одамлар жамиятга мослашолмай яккаланиб қолишини, бундай одам ижтимоий зиддиятли

4. воқеликни тушинишни истамайди. Жаҳон адабиётида кўп буюк адиблар, санъаткорлар шундай содда, софдил одамларни баркамол инсонлар деб, хурмат билдирдилар. Арасту этикасига кўра, меъёрни сақловчи, ўртача йўл тутувчи инсонлар баркамол инсонлардир. Бундай одамлар жамият қонунларида мавжуд нормативларга, меъёрларга амал қилиб яшайдилар. “Бизнингча, инсон кўнглида, - дейди Арасту, - ҳиссиётлар жўшқинлиги- нафас, майл, истаклар ва руҳий ҳолатлар бор. Ҳис-ҳаяжонга –жаҳл ёки қаҳр-ғазаб, шодлик, кўрқув, нақрат, ҳавас.ҳасад, шафқат ва шу кабилар киради...Майллар шундайки, бизда қайси майл(истак)лар кучлироқ бўлса, ўша майлга хос ҳис-ҳаяжонларга бериламиз, ё жаҳлимиз чиқади ,ё севинамиз, ё ачинамиз ва ҳоказо. Руҳий ҳолатлар шундайки, биз қайси ҳис-ҳаяжонга кўпроқ берилсак, ана шуларга мувофиқ кайфиятга тушамиз.Чунончи, жаҳддор одам сал нарсага жаҳли чиқаверади. Агар сал нарсага жаҳлимиз чиқмайдиган, оғир, босиқ одам бўлсак, жаҳлга салбий муносабат билдирамиз. Бу

масалада (мўтадил) ўртача йўл тутсак , сал нарсага жаҳлимиз чиқиб, ловуллаб кетмаймиз ва айна вақтда ҳиссиз, лоқайд ҳам бўлмаймиз. Мана шунда кўпинча яхши кайфиятда юрамиз. Ғазабда мўтадиллик яхшилиги шундаки, биз сержаҳл, ғазабнок ҳам, беғам, тепса тебранмас ҳам бўлмаймиз”. [6] Арастунинг этикасида Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи одобига , ахлоқий маданиятига яқин ғоялар бор.

Арасту “Катта ахлоқ китоби”(“Ахлоқи кабир”, “Большая этика”) асарида ёзади: “Мақтанчоқлик ҳам, бор фазилатни камайтириб, риё қилиш(яшириш, алдаш) ҳам яхши эмас. Ўзимизда бирор фазилатни ёки қандайдир неъматни(масалан, билимни) аслидагидан кўп деб, ҳисобласак(айтсак) мақтанчоқлик бўлади. Аслидагидан кам деб,

Кўрсатсак- риёкорлик, сохталик бўлади. Бу иккала кутбнинг ўртаси ростгўйлик(aletheia)дир.[7] Жамият соғломлиги, маънавий мусаффолиги давлат ва шахс муносабатларида ҳам ахлоқий, қонуний нормативлар–меъёрларга амал қилиш билан боғлиқ.

Арасту фикрича, шахс табиатида, ҳулкида шахсий манфаатлар билан ижтимоий (жамият) манфаатлари бир-бирига мувофиқ келиши жамиятнинг соғломлигини таъминлайди. Бошқача айтганда, шахс ахлоқида жамият манфаатларига ҳурмат-эътибор мавжуд бўлишининг ўзи ҳам ахлоқий маданиятнинг мавжудлигини кўрсатади. Ва аксинча, инсон ахлоқида, табиатида жамият учун зарарли ҳислатларнинг бўлиши - ахлоққа зид ҳодисадир.

Давлат, жамият ва шахс муносабатларида мувозанатнинг бузилишини Суқротнинг фожиали қисмати мисолида кўриш мумкин, деб ёзади О. С Соина. Олиманинг фикрича, Арасту жамиятда Суқрот каби ахлоқий-маънавий етук, баркамол шахслар бўлиши кераклигини, лекин бундай шахслар ахлоқи ўртача, меъёрида яшаш тамоилларига зид келиб қолишни ҳам яхши билган эди. Арасту фикрича, бундай ахлоқий, маънавий етук шахслар жамиятдаги бошқа одамлар учун ўрнак, намуна бўлиши керак. Жамиятда турли тоифадаги , турли касб-ҳунар эгалари бўлиши табиийдир. Ақлий ҳаёт-илоҳий, лекин инсонлар ҳаёти фақат ақлий ҳаётдан иборат эмас. Шу сабабли инсонларда ўрта меъёрда бўлса яхши яшайдилар, аммо, инсонлар оз миқдорда бўлса ҳам ўзларида бўлган илоҳий фазилатларни йўқотмай, кўпайтиришга интилиши зарур.

Жамият ҳаётида бахтли яшаш учун барча одамларнинг файласуф бўлиши шарт эмас. Арасту фикрича, соғлом жамиятда инсон ахлоқи, етуклиги геометрия фанидаги квадрат каби, барча томонлари ўзаро мувофиқ бўлгани яхши. Жамият учун фойдали етук шахс меъёрида жасур, меъёрида саҳий, меъёрида адолатли, одил, бошқа барча фазилатларида ҳам меъёрни сақловчи бўлиши зарур. Квадратнинг бир томони бошқа томонларидан камроқ ёки ортиқчароқ бўлса, квадрат бузилмаганидай, ахлоқий фазилатлар ҳам меъёрида бўлгани яхши. О.С.Соина фикрича, антик даврда Арастугача ҳеч бир файласуф этикани геометрия билан боғламаган эди. Кейинроқ фақат Бенедикт Спиноза “Геометрик тартибда изоҳланган этика” асарида бу тажрибани давом эттиришга ҳаракат қилди.[8]

Спиноза ахлоқий, маданий масалалари тушунтиришда Пифагорнинг миқдор ва сифат ўзгаришларига доир қоидалардан фойдаланган эди. Пифагор фикрича, энг олий гўзаллик... энг олий уйғунлик самовий олам мавжудотларининг илоҳий тартиби, абадий бир маромдаги ва бир йўл (траектория, доира) даги ҳаракати, барча юлдузлар, сайёралар, ёритқичларнинг бир-бирига қаршилик қилмай, бутун олам гармониясини ташкил этишларидир. Пифагорчилар фикрича, ахлоқда ҳам, санъатда ҳам, руҳий оламда ҳам меъёр, озлик, кўплик, ифрот(зиёдалик) ёки етишмовчилик сифат ўзгаришларини вужудга келтиради.[9]

Арасту “Катта ахлоқ китоби” (“Ахлоқи кабир”) асарида Пифагорнинг меъёр, озлик, кўплик ҳақидаги ғояларини ахлоқий маданият соҳасига татбиқ этиб, қимматли қоидаларни кашф этади. Донишманд Арасту ҳаёт неъматларини, қадриятларини қуйидагича тасниф қилади: “Баъзи неъматлар –қадрли , баъзилари - мақтовли, учинчи ҳили – имконият берувчи неъматлардир.” Арасту таснифича:

I.Қадри неъматлар:

1.Рух. 2.Ақл. 3. Жавҳари асл- табиий, туғма истеъдод.

Булар доимо қадрланадиган , барча учун шарфли бўлган (азиз ва шариф) неъматлардир.Чунки , инсон шулар туфайли муносиб,етук инсон бўлади.

II.Мақтовли неъматлар:

Юқоридаги, қадрли неъматлар билан бирга яна турли соҳаларга доир фазилатлар (камтарлик , вазминлик , саҳоват, меҳр- шафқат ва бошқалар)

III. Имконият берувчи неъматлар:

1. Ҳокимият, мансаб. 2. Бойлик, мол-мулк. 3. Куч-қувват. 4.Гўзаллик ва бошқалар.

IV.Аввалги неъматларни сақловчи ва янгиларини вужудга келтирувчи неъматлар:

1.Меҳнат қобилияти 2.Соғлик 3. Ёшлик ва бошқалар.

Фозил инсонлар бу неъматлардан яхшилик эзгу ишлар учун фойдаланади - дейди Арасту.- Нодон одамлар эса улардан ёмонлик, йовузлик қилиш учун фойдаланади. Бундай неъматлар яхшилик қилишга ёмонлик қилишга имкон беради.[10]

Атоқли олима О.С.Соина Арасту этикасининг ижтимоий аспектига доир қимматли кузатишларини баён қилиш билан бирга, баъзи ихтилофли,зиддиятли фикрларини ҳам айтади. Бизнингча, бу олиманинг жамият учун инсонларнинг чексиз ёки, меъёрдан зиёд баркамоликка интилиши мушкулликлар келтириб чиқаради, деган ғояси мунозаралидир. О.С.Соина бу ғояни Сукротнинг фожеали тақдиридан хулоса сифатида айтади. Бир қарашда бу фикр туғрига ўхшайди. Аммо, бизнингча Сукротнинг фожиаси (ўлимга ҳукм этилиши) унинг чексиз камол топишидан эмас, балки ўша замондаги Юнонларнинг сохта диний эътиқоди – маъжусийликка, кўпхудоликка қарши чиқишидан эди.

О.С.Соина юқоридаги фикрини Арастуга суянган ҳолда ривожлантириб, шахснинг хаддан зиёд, чексиз камол топиши уни жамиятдан узилиб, яккаланиб қолишига, жамият тинчининг бузилишига сабаб бўлади деган хулосага келади.



Аслида Суқрот ҳаким жамиятдан ажралиб қолмаган эди, юзлаб шогирдлари бор эди, кўпчилик шогирдлари давлатни, кўшинларни бошқарувчи машхур арбоблар эдилар(Алқивиад, Афлотун, Перикл, Ксенафот каби) “Жамиятнинг бахтига, - деб ёзади О.С.Соина, чексиз ривожланиши фақат файласуфларга хос эди, файласуфлар эса жамиятда озчилик эди.”[11] Олима фикрича, Арасту биринчи марта шахс камолотини жамият учун фойдали, социум эканлигини асослади. Арасту айна вақтда файласуфнинг турли соҳаларда етук бўлиши, камол топиши жамиятда ёки ҳокимиятда юқори ўринларни эгаллаш учун эмас, балки фақат ўзининг инсон сифатида фозил, етук (муҳим ахлоқий, маънавий фазилатлар соҳиби) бўлиш мақсади учун зарурдир. Арасту шу билан бирга, ҳар қандай жамиятда кўплар учун намуна, идеал бўлган руҳий, маънавий элита мавжуд бўлишини ижобий ҳодиса деб ҳисоблайди. Шу билан бир вақтда жамият манфаатларини ўйламай, фақат ўз руҳини ўзи учун камолотга етказиш О.С.Соина фикрича, жамиятга нотинчлик келтиради. Олиманинг бу фикрича қўйилиш қийин. Чунки, руҳий, маънавий элита вакиллари, масалан файласуфлар маънавий –ахлоқий етук, камтарин, билимли, меҳнатсевар, соф виждонли ва бошқа кўп фазилатлар эгаси бўлса, Суқрот, Афлотун, Беруний, Фаробий, Ибн Сино каби баркамол бўлса, ҳеч қачон жамият ва давлат манфаатларига зарар келтирмайдилар, улар аксинча, бутун инсониятга бахт-саодат йўлини, адолатли жамият қуриш йўлини кўрсатадилар. Бундай етук зотлар ҳар бир халқнинг ифтихоридир.

Россия тадқиқотчиси О.С.Соина ўз мақоласида Арастунинг эвдемония-роҳатланишга доир қарашларини ҳам таҳлил қилиб, Арастунинг энг олий роҳат - фалсафа билан шуғулланиш ҳаёт, табиат муаммолари ҳақида мушоҳада қилиш, ўйлаш(созерцания) деган фикрича муносабат билдиради. Бошқа одамларнинг ўйлашидан қандайдир маҳсулот ҳосил бўлади, шу сабабли улар роҳатланади. Бошқалар эса ҳаётда жуда кўп нарсалардан, касб-хунарларида қиладиган меҳнатидан роҳатланадилар. (Фаробий кўпинча хаттот ва наққош меҳнати жараёнида маҳорати, баркамоллиги ўсиб, ортиб борса, шунча кўп роҳатланишини мисол қилиб келтиради.) Арасту фикрича, инсонларнинг роҳатланишга муносабати қандайлиги ҳам ахлоқий маданиятнинг пастлиги ёки юқорилиги билан боғлиқ. Енгилтак ва ахлоқсиз одамлар меҳнат қилмай, роҳатланишни яхши кўрадилар. Беғараз, ҳолис гўзалликдан, мукамалликдан, дўстона суҳбатлардан, куй ва кўшиқлардан роҳатланиш инсон руҳининг эҳтиёжидир. Гўзалликдан роҳатланмайдиган, эстетик завқ олмайдиган одамлар лоқайд, ҳиссиз, бепарво одамлардир. Яхши кўрган нарсаларидан роҳатланувчи одамлар бу ишларга ортиқча ружу қилмаса, бошқа ҳамма дил(руҳ) роҳатларидан кечиб, фақат (моддий, жисмоний) роҳатларга муккасидан кетмаса, оқил одамлардир. Мана шу (яхши, эл-юртга ва оиласига фойдали) ишлардан роҳатланувчи одам оқилдир.[12]

Фақат ўзлари нопок йўллар билан топилган бойликларидан роҳатланувчи, бошқаларга, оддий меҳнат аҳлига жабр-зулм қилувчи одамлар ахлоқий маданиятдан узок, жамият учун зарарли одамлардир.



Ахлоқий маданият таркибидаги фазилатлардан бири-инсофли, адолатли бўлиш ёки аксинча, оддий меҳнат ахлига, халққа жабр-зулм қилувчи, адолатсиз, золим бўлиш - ҳам ахлоқий, ҳам жамиятга алоқадор, ижтимоий масаладир. Арасту фикрича, инсонларнинг адолатли, инсофли, соф виждонли софдил, оққўнғил бўлиши ёки адолатсиз, ноинсоф, виждонсиз, золим бўлиши ўз ихтиёри билан бўлади. Модомики, фазилатлироқ баркамол, етук бўлиш ўзимизга боғлиқлиги равшан экан, - дейди, Арасту ҳаким, -энди ихтиёрий феъл қилмиш нима эканини кўриб чиқайлик. Фазилат касб этишда (яъни ахлоқ – одобда ва касб-хунарда етук. Баркамол бўлишда ихтиёрийлик жуда муҳимдир. “Ихтиёрий” сўзининг маъноси бизни бирор ишга ҳеч ким мажбур қилмайди деганидир. Шу фикрни янада ойдинлаш керак бўлади. Бирор ишни бажариш учун шунга интилиш (мойиллик) зарур.

Арасту фикрича, инсонларда асосан уч турли интилиш, истак-майл, яъни мойиллик бўлади:

1. Эҳтиросли(оташин) интилиш
2. Орзу қилиш, ҳавас қилиш
3. Истак-ҳоҳиш, мойиллик

Бу интилишлар ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким бу ишларга бизни мажбур қилмайди. Эҳтиросли интилишни нима учун ва қай асосда мажбурий эмас, деймиз? Шунинг учунки, биз мажбурий амалларни бирор мажбурият (бурч ёки қонун талаби -М.Т.сабабли бажарамиз.”[13] Бизнинг фикримизча, мажбурлашнинг ҳам бир неча тури бор:1.Ахлоқ-одоб қонунлар талаби билан бурч, мажбуриятни ҳис этиш. Бу талабни, мажбуриятни англаш ва бажариш фазилатларга тааллуқли. Баъзи ёмон ишларни қилишга одамни бошқалар бошлиқлар, устозлар. Баъзан коррупция гуруҳи мажбурлайди. Бундай мажбурийлик, Арасту фикрича, ҳам ёқимсиз.

Эҳтирос билан ўз ихтиёри билан қилинадиган иш эса ёқимли лаззатлидир. Бундан чиқди эҳтиросли интилиш билан қилинган иш мажбурий эмас ихтиёрийдир. Аммо ихтиёрий, эҳтирос билан қилинадиган ишларнинг яхшилиқ одоб ахлоқ доирасидагилари ҳам бор, ахлоқсиз, жиноятга алоқадорлари ҳам бор. Баъзи ёмон, гуноҳ ишлар ҳам эҳтирос билан қилинади, дейди Арасту,-бунинг боиси (инсон ахлоқидаги) бузиқликдир. Одатда ҳеч бир инсон ёмон ишни ўз ихтиёри билан қилмайди, деб ўйлашади. Аммо бузуқ одам ўзи қилмаётган ишнинг гуноҳлигини, ёмон эканлигини билиб турса ҳам, завқ-шавқ била шу ишни қилади. У одам шу ишни гўё ихтиёри билан эмас, завқи мажбур қилгандай(беихтиёр қилгандай) кўринади. Аммо бундай ўйлаш тўғри эмас,чунки завқли иш мажбуран қилинмайди. Ҳар қандай эҳтиросли интилиш инсонга роҳат лаззат келтиради. Лаззатли, роҳатли иш эса мажбурий иш эмас.[14] Арасту фикрича бировнинг мажбурлаши билан яни жабр кўриб ёмон иш қилиши бошқа, ахлоқ-одоб, жамият қонунлари талаби билан одам ўзини ёмон ишлардан тийиши мажбурлаши бошқа бошқа ходисалардир. Бировни мажбурлаши билан одатда ёмон ахлоқсиз ишлар қилинади. Ёмон ишларга одам ўзини мажбурлайди, ақилли одам ёмон ишларни

қилмасликка, бундай ишлардан ўзини сақлашга интилади. Бундай одамлар ахлоқий, маънавий маданиятга етишган одамлардир.

Арасту “Катта ахлоқ” асарида ихтиёрий истак – интилиш нима деган саволга жавоб бериш учун аввал мажбурий қилинадиган ишлар, зулм ва зўрлаш нималигини аниқлаш керак, дейди. Зўрликни жонсиз нарсаларга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Чиндан ҳам ҳар қандай жонсиз нарсанинг табиий ўрни бор: Олов – юқорига, тош – пастга интилади. Аммо, зўрлик ишлатиб, оловни пастга, тошни юқорига ҳаракатлантириш мумкин. Ҳайвонларга нисбатан ҳам зўрлик қилинади айтайлик, бўрига чопаётган отни жиловидан тортиб четга тортиш мумкин. Хуллас жонли ва жонсиз нарсаларни табиатига ёки истагига қарши ҳаракатлантирилса, биз зўрлик ишлатган бўламиз. Агар жонли ва жонсиз нарсаларни ичкаридан ҳаракатга келса – уларга зулм қилинмаган бўлади[15]. (Аммо ҳозирги таҳдидларга бой глобаллашув даврида тарқоқлар (тарқоқчилик) турли бомбаларни ичкаридан ҳаракатлантириб қўйишлари, ташқаридан бошқарилгани сабабли аниқ – равшан зулмдир. Ҳозирги нотинч замонда ахлоқий маданиятини йўқотган баъзи бир сиёсатчиларнинг ёвуз мақсадлари, яқин шарқ ва бошқа минтақаларда муҳолифатни жангариларни қуроллантириб қонли қирғинлар ташкил етиш уларни ўз ихтиёри билан, ёвуз мақсадларига мувофиқ ўз ичидан ҳаракатланмоқда.

Арасту “Катта ахлоқ ” асарида инсонларнинг яхши, ёмон қилмишлари ва истак- ҳишлари уларнинг ният мақсадларига боғлиқлиги ҳақида фикр юритади. Бу масалада ҳам мутафаккир ихтиёрий танлов (ёки йўл танлаш эканлиги) нинг муҳим аҳамияти ни кўрсатади. Бу йерда улар яна ихтиёрий ҳатти ҳаракат ва мажбурий зўрлик, жабр- зулм ҳақида фикр юритади. Мутафаккир мақсад, ниятига истак – майлларига, одоб ахлоқи ва одатларига таъсир кўрсатишини айтади. Ихтиёрий ҳаракат мақсад – ниятдан келиб чиқади. Мақсадсиз беихтиёр ҳаракатлар ҳам мажбурий, жабр-зулм остида қилинган ҳаракат эмас. Беихтиёр интилиш ва ҳаракат қилиши инсоннинг ўз табиатига ва одатларига боғлиқдир. Инсон яхши ишларга ҳам ёмон ишларга ҳам одатланиши мумкин. Қандай ишларга одатланиши инсон ахлоқига одобига боғлиқ. Хулқи одоби яхши фазилатли етуқ, инсонлар яхши ишларга одатланади. Хулқи ёмон баджаҳл, золим одамлар ёмон ишларга, қўл остидагиларга, бақирришга сўқинишга одатланади. Муҳаммад Фаробий ва Алишер Навоий фикрича инсон одати такрорланаверса, унинг табиатига айланади. Арасту ихтиёрий ҳаракат ва унинг зидди – жабру зулм остида қилинадиган мажбурий ҳаракатидан фарқланувчи қутилмаган, беихтиёр, тасодифий ҳаракатга ҳам ҳаётий бир мисол келтиради. “ Беихтиёр ҳатти - ҳаракат жабр зулм ва зўравонлик таъсирида қилинмаган ҳатти ҳаракатдир. Ҳаётда юз берган ҳодисалар бунинг далилидир. Агар бир одам бировни қасддан эмас, билмасдан ихтиёрсиз урса, ўлдирса, ё бошқа ёмонлик қилса, у ғараз билан эмас, ихтиёрсиз (ўзи истамаган ҳолда) шундай иш қилган деймиз. Айтишларича, бир аёл севгилисига ишқ тўғиёсини берибди. Бу шаробни ичган одам ўлибди. Ареопаг (халқ суди )” аёл бу ишни қасддан қилмаган, беихтиёр, билмасдан қилган деб оқлабди”. Аёл ёмон ниятда эмас, севгилисини яхши кўргани учун тўғиё ичирган. Аммо янглишиб

кўпроқ ичиргани учун йигит ўлиб қолган.” Деган хулоса чиқарилган. Демак. Бу қотиллик қасддан эмас. Беихтиёр қилинган.[16]

Кўпчилик одамлар баркамол инсонларга хос фазилатлар ҳақида умумий билимларга эга бўлса-да фазилатнинг асл маъносини, фалсафий моҳиятини яхши билмайдилар, шу сабабли баъзи оодамлар нуқсонларни ҳам фазилат деб ўйлайдилар, ёки фазилатни нуқсон деб ўйлайдилар.

Шахар - давлат аҳолисининг ижтимоий инсон ва жамият ҳаётига доир қарашлари ҳақида, Арасту билан Ал-Фаробийнинг фикрлари жуда яқиндир. “Фазилат яхши мақсадни қўя билишдадир”,-дейди, Арасту. Олий жавҳар (соғлом ақл ва соф кўнгил, рух) соҳиби бўлган ҳар бир инсон ўз олдига яхши мақсадни қўйиб, ўзи амалга ошира олади. Аммо инсон (истайдиган барча мақсадлар қаторида) фазилатдан олийроқ нарса йўқ.(Таржимон М.Маҳмудов бу ерда иймон, инсоф, виждон софлиги ҳам фазилатларнинг олийларидир, деб изоҳ беради). Бошқа барча ҳаракатлар фазилатларни қўлга киритиш учундир. Яхши мақсад(ният)нинг ўзи ҳам фозил одам учун олий фазилатдир”[17].

#### References:

1. Soina O.S. Sotsialniy aspekt etiki Arastotelya WWW Gramota .3/2011
2. Soina O.S. sotsialniy aspekt etiki Arastotelya WWW Gramota .3/2011.
3. Arastu “Katta etika”si o‘zbekchada M.Mahmudov tajribasida “ahloqi qodir ”deb atalgan .
4. Aristotel’. Nikomaxova etika // Ar. Soch-ya , tom IV M....Misl,1984 .str. 129.
5. Arastu. Poetika. Ahloqi kabir . T. “Yangi asr avlodi ”,2004 B .107-108.
6. O’sha joyda ,B.108.
7. Arastu .poetika axloq kobir . T.“Yangi asr avlodi” .2004-B 109.
8. O’sha joyda, B .109.
9. Soina O.S. sotsialniy aspekt etiki Arastotelya WWW Gramota .3/2011
10. Boltaboev H, Mahmudov M.Adabiy – estetik tafakkur tarixi. T “Mumtoz so‘z”, 2013,B 144.
11. Arastu. Poetika. Ahloqi kabir . T. “Yangi asr avlodi ”,2004 B .101-102.
12. Soina O.S. sotsialniy aspekt etiki Arastotelya WWW Gramota .3/2011
13. Arastu. Poetika. Ahloqi kabir . T. “Yangi asr avlodi ”,2004 B .124.
14. Arastu. Poetika. Ahloqi kabir . T. “Yangi asr avlodi ”,2004 B .114.
15. O’sha joyda ,B.114.
16. Arastu .Poetika .Axloqi qabir .T “ Yangi asr avlodi”,2004,B.116.
17. Arastu .Poetika. Axloqi qodir . T “ Yangi asr avlodi”, 2004, B.116-117.
18. O’sha joyda,B.120.